

# من الأحاديث الشريفة

مؤلف:

ملا صابرجان بن ملا عبد البديع

Таржимон:  
*Анвар Аҳмад*

Қозондаги "Маъориф" нашриёти.

И. Н. Харитонова типографияси, 1915 мелодий йил.

Тошкент:  
2016 йил

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

1 - قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: إِنَّ فِي الْجَنَّةِ دَارًا يُقَالُ لَهَا دَارَ  
الْفَرَحِ، لَا يَدْخُلُهَا إِلَّا مَنْ فَرَّحَ الصَّابِيَانَ.  
(حديث مرفوع أخرجه الديلمي وابن عدي)

1. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар:

"Жаннатда бир ҳовли бор, уни шодлик ҳовлиси деб аталади. Унга факат ёш болаларни хурсанд қилғанлар киради холос".

2- إِنَّ اللَّهَ تَعَالَى يَزِيدُ فِي عُمُرِ الرَّجُلِ بِرِّهِ وَالْدَّيْهِ.  
(رواه أحمد بن منيع بسنده ضعيف)

2. Аниқки, Аллоҳ таоло кишининг умрини ота-онасига қилган яхшилиги сабабли узайтиради.

3 - طَاعَةُ اللَّهِ طَاعَةُ الْوَالِدِ، وَمَعْصِيَةُ اللَّهِ مَعْصِيَةُ الْوَالِدِ.  
(أخرجه الطبراني في الأوسط، وفي سنده ضعف).

3. Отага итоат қилиш Аллоҳга итоат қилишдир. Отага осий бўлиш Аллоҳга осий бўлишдир.

4- رِضَى الرَّبِّ فِي رِضَى الْوَالِدَيْنِ، وَسَخَطُهُ فِي سَخَطِهِمَا.

(رَوَاهُ الطَّبرَانِيُّ)

4. Ота-онанинг розилиги Роббинг розилигидир.  
 Икковларининг норозиликлари Роббинг норозилигидир.

5- ثَلَاثُ دَعَوَاتٍ مُسْتَجَابَةٌ لَا شَكَ فِيهِنَّ: دَعْوَةُ الْوَالِدِ عَلَى وَلَدِهِ، وَدَعْوَةُ الْمُسَافِرِ، وَدَعْوَةُ الْمَظْلُومِ.

(شُعبُ الإيمان)

5. Шубҳасиз уч дуо қабул қилингандир: Отанинг болага қилган дуоси, мусофиригининг дуоси ва мазлумнинг дуоси.

6- أَكْبَرُ الْكَبَائِرِ: إِلِإِشْرَاعُ بِاللَّهِ، وَقَتْلُ النَّفْسِ، وَعُقُوقُ الْوَالِدَيْنِ، وَشَهَادَةُ الزُّورِ.

(رواه البخاري)

6. «Катта гуноҳларнинг энг каттаси, Аллоҳга ширк келтириш, одам ўлдириш, ота-онага оқ бўлиш ва ёлғон гувоҳлик.

7- مَنْ زَارَ قَبْرَ أَبَوِيهِ أَوْ أَحَدِهِمَا فِي كُلِّ جُمُعَةٍ غُفرَ لَهُ وَكُتِبَ بَرَّاً»

(رواه الطبراني)

7. Ким ота-онасингизниң қабрини ёки улардан бирини ҳар жума куни зиёрат қилса, унинг гунохлари кечирилади ва ота-онасига яхшилик қилди деб ёзиб қўйилади.

8- زُورُوا إِخْوَانَكُمْ وَسَلَّمُوا عَلَيْهِمْ وَصَلُّوا فِيْنَ لَكُمْ فِيهِمْ عِبْرَةٌ

(الديلمى عن عائشة)

8. Биродарларингизни зиёрат қилинглар, уларга салом беринглар ва алоқани тикланглар, чунки, бунда сизлар учун ибратланиш бор.

9- صِلَةُ الرَّحْمِ وَحُسْنُ الْخُلُقِ وَحُسْنُ الْجِوَارِ يُعَمِّرُ الدِّيَارَ وَيَنْدِنُ فِي الْأَعْمَارِ

(حم هب) عن عائشة

9. Силаи раҳм (қариндошлар билан алоқани тиклаш), яхши хулқ ва яхши қўшничилик диёрларни обод қилиб, умрни узайтиради.

10- اُثْنَانِ لَا يَنْظُرُ اللَّهُ إِلَيْهِمَا يَوْمَ الْقِيَامَةِ قاطِعُ الرَّحْمِ وَحَارُ السُّوءِ

10. Аллоҳ қиёмат куни икки тоифа кишига қарамайди:

1. Қариндошлик алоқаларини узувчи киши.

2. Ёмон қўшни.

11- اتّقُوا اللَّهَ واعْدُلُوا فِي أَوْلَادُكُمْ.

11. Аллоҳдан кўрқинглар ва фарзандларингиз орасида адолат қилинглар.

12 - أَحَبُّ الْعِبَادِ إِلَى اللَّهِ تَعَالَى أَنْفَعُهُمْ لِعِيَالِهِ.

12. Аллоҳ таолога бандаларнинг энг суюклиси, ўз оиласига манфаатлироқ бўлганидир.

13 - خِيَارُكُمْ خِيَارُكُمْ لِأَهْلِهِ.

13. Сизларнинг яхшиларингиз – ўз аҳли оиласига яхши муносабатда бўлганингиздир.

14 - شُرُّ النَّاسِ الْمُضَيِّقُ عَلَى أَهْلِهِ.

14. Ўз аҳли оиласига тазийик қилувчи инсонларнинг ёмонидир.

15 - أَعْظَمُ النَّاسِ حَقًّا عَلَى الْمَرْأَةِ زَوْجُهَا وَأَعْظَمُ النَّاسِ حَقًّا عَلَى الرَّجُلِ أُمُّهُ.

15. Аёл учун унинг эри энг ҳаққи улуғидир. Эркак учун эса, она энг буюгидир.

16 - ثَلَاثَةٌ لَا يَسْتَحْفُ بِحَقِّهِمْ إِلَّا مُنَافِقُونَ: ذُو الْشَّيْبَةِ فِي الْإِسْلَامِ وَذُو الْعِلْمِ وَإِمَامٌ  
مُقْسِطٌ.

16. Уч тоифа инсонларнинг қадрини мунофиқ кимса билмайди. Улар: Исломда кексайган қариялар, илмли инсонлар ва адолатли бошлиқлар.

17 - إِنَّ فِي الْجَنَّةِ دَارًا يُقَالُ لَهَا دَارَ الْفَرَحِ لَا يَدْخُلُهَا إِلَّا مَنْ فَرَّحَ بِتَامَى  
الْمُسْلِمِينَ.

17. Жаннатда бир ҳовли бор, уни шодлик ҳовлиси деб аталади. Унга фақат мусулмонлар етимларини хурсанд қилганлар киради холос".

18 - لِكُلِّ شَيْءٍ مِفْتَاحُ الْجَنَّةِ حُبُّ الْمَسَاكِينِ وَالْفُقَرَاءِ.

18. Ҳар бир нарсанинг калити бор. Жаннатнинг калити – мискин (ҳеч нарсаси йўқ)ларни ва факир (биroz нарсаси бор камбағал)ларни яхши кўришликдир.

١٩ - أَتَحِبُّ أَنْ يَلِينَ قَلْبُكَ وَتُدْرِكَ حَاجَتَكَ؟ إِرْحَمِ الْيَتِيمَ وَامْسَحْ رَأْسَهُ وَأَطْعِمْهُ  
مِنْ طَعَامِكَ يَلِينَ قَلْبُكَ وَتُدْرِكَ حَاجَتَكَ.

19. Қалбинг юмшашини ва эҳтиёжинг қондирилишини яхши кўрасанми? Етимга раҳм қил, бошини сила, таомингдан уни ҳам таомлантири! Шунда қалбинг юмшайди ва эҳтиёжинга эришасан.

٢٠ - خَيْرٌ بَيْتٌ فِي الْمُسْلِمِينَ فِيهِ يَتِيمٌ يُحْسَنُ إِلَيْهِ وَشَرُّ بَيْتٌ فِي الْمُسْلِمِينَ  
بَيْتٌ فِيهِ يَتِيمٌ يُسَاءُ إِلَيْهِ. أَنَا وَكَافِلُ الْيَتِيمِ فِي الْجَنَّةِ هَكَذَا.

20. Мусулмонларнинг ҳайрли уйи, у уйда етим бўлиб, унга яхши муносабат қилинади. Мусулмонларнинг ёмон уйи эса, унда етим бўлиб, унга ёмон муносабат қилинади.

٢١ - إِذَا أَتَاكُمُ الزَّائِرُ فَأَكْرِمُوهُ.

21. Агар меҳмон келса, уни ҳурматини жойига қўйинглар.

٢٢ - بِئْسَ الْقَوْمُ لَا يَنْزِلُونَ الضَّيْفَ.

22. Меҳмондўстлик қилмайдиган қавм бунча ҳам ёмон.

23 - نَهَىٰ عَنِ التَّكْلُفِ لِلضَّيْفِ.

23. Мехмонга ортиқча мулозамат қилишдан ман этдилар.

24 - إِنَّ مِنَ السُّنَّةِ أَنْ يَخْرُجَ الرَّجُلُ مَعَ ضَيْفِهِ إِلَى بَابِ الدَّارِ.

24. Киши меҳмонни ҳовлининг эшигигача кузатиб чиқиши суннатдир.

25 - لَا يَشْبَعُ الْمُؤْمِنُ دُونَ حَارِهِ.

25. Мўмин банда қўшниси оч туриб, ўзи тўқ юрмайди.

26 - مَا خَفَفتَ عَنْ خَادِمِكَ مِنْ عَمَلِهِ فَهُوَ أَجْرُ لَكَ فِي مَوَازِينِكَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ.

26. Кўл остингдаги ходимингни ишини енгиллатсанг, у сен учун қиёмат куни тарозу босадиган ажр мукофот бўлади.

27 - إِذَا اسْتَأْجَرَ أَحَدُكُمْ أَجِيرًا فَلْيَعْلَمْهُ أَجْرَهُ.

27. Агар сизлардан кимдир хизматкор мардикор ишчи ёлласа, албатта унга иш ҳаққини таъйин қилсин.

28 – أَعْطُوا الْأَجِرَ أَجْرَهُ قَبْلَ أَنْ يَجْفَ عَرْقُهُ.

28. Хизматчининг баданидаги оқкан тер қуrimасидан олдин иш ҳаққини беринглар.

29 – اللَّهُ اللَّهُ فِيمَا مَلَكْتُ أَيْمَانَكُمْ الْبَسُورُ ظُهُورَهُمْ وَأَشْبَعُوا بُطُونَهُمْ وَأَلْيَنُوا لَهُمْ الْقُوْلَ.

29. Кўл остингиздаги хизматкорлар хусусида Аллоҳдан қўрқинглар, Аллоҳдан қўрқинглар! Устларига кийим-бош кийдиринглар, қоринларини тўйдиринглар, уларга мулојим сўз айтинглар!

30 – مَنْ آذَى ذمِيًّا فَإِنَّا خَصْمُهُ وَمَنْ كُنْتُ خَصْمُهُ خَصَمْتُهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ.

30. Кимки зиммий (ислом мамлакатидаги бошқа дин вакили)га озор етказса, мен унинг даъвочиси бўламан. Агар мен кимга даъвогар бўлсам, озор берган билан қиёмат кунида хусуматлашаман.

31 – رَأْسُ الْعَقْلِ بَعْدَ الْإِيمَانِ بِاللَّهِ التَّحْبُبُ إِلَى النَّاسِ وَاصْطِنَاعُ الْخَيْرِ إِلَى كُلِّ بَرٍّ وَفَاجِرٍ.

31. Аллоҳга иймон келтиргандан кейинги ақлнинг боши одамларга муҳаббатли бўлиш ҳамда ҳар-бир яхши ва ёмонга яхшилик қилиш.

32 – الْمُؤْمِنُ لِلْمُؤْمِنِ كَالْبُنْيَانِ يَشُدُّ بَعْضُهُ بَعْضًا.

32. Мўминнинг мўминга нисбатан мисоли бир бирини мустаҳкам ушлаб турган бинога ўхшайди.

33 – اعْرِفُوا أَنْسَابَكُمْ تَصْلُوا أَرْحَامَكُمْ فِإِنَّهُ لَا قُرْبَ بِالرَّحْمِ إِذَا قُطِعَتْ وَإِنْ كَانَتْ قَرِيبَةً وَلَا بُعْدَ بِهَا إِذَا وُصِّلَتْ وَإِنْ كَانَتْ بَعِيدًا.

33. Насабларингизни билинглар, қариндош уруғлар билан алоқаларни тикланглар, чунки қариндошлиқ алоқаси узилса яқинлик қолмайди гарчи яқин бўлса ҳам. Агар алоқа тикланиб турса узоқлик қолмайди гарчи узоқ бўлинса ҳам.

34 – لَأَنْ أُعِينَ أَخِي الْمُؤْمِنَ عَلَى حَاجَتِهِ أَحَبُّ إِلَيَّ مِنْ صِيَامِ شَهْرٍ وَاعْتِكَافٍ فِي الْمَسْجِدِ الْحَرَامِ.

34. Мўмин биродаримга ҳожати учун ёрдам беришм мен учун Масжидул ҳаромда бир ой рўза тутиб, эътикоф ўтиришимдан севимлироқдир.

٣٥ - إِنَّمَا بُعِثْتُ لِأُتَمِّمَ صَالِحَ الْأَخْلَاقِ.

35. Албатта мен ахлоқларнинг ЭНГ салоҳиятлисини мукаммал қилиш учун (пайғамбар қилиб) юборилдим.

٣٦ - إِنَّ الْمُؤْمِنَ لَيُذْرِكَ بِحُسْنِ الْخُلُقِ دَرَجَةُ الْقَائِمِ الصَّائِمِ.

36. Албатта мўмин киши гўзал хулқи билан рўза тутиб ибодат қилувчи даражасига етади.

٣٧ - رَأْسُ الْعَقْلِ بَعْدَ الْإِيمَانِ التَّوَدُّدُ إِلَى النَّاسِ.

37. Иймондан сўнг ақлнинг боши инсонлар билан яхши муносабатда бўлиш.

٣٨ - تَهَادَوا تَحَابُّوا.

38. Ўзаро ҳадя улашинглар муҳаббатли бўласизлар.

٣٩ - أَفْضَلُ الصَّدَقَةِ إِصْلَاحُ ذَاتِ الْبَيْنِ.

39. Садақанинг афзали икки адватчининг орасини яраштиришдир.

40 - أَفْشُوا السَّلَامَ وَأَطْعِمُوا الطَّعَامَ وَكُونُوا إِخْوَانًا كَمَا أَمْرَكُمُ اللَّهُ.

40. Саломни ёйинглар, таом улашинглар, Аллоҳ буюрганидек биродар бўлинглар.

41 - مَا مِنْ مُسْلِمٍ يَلْتَقِيَانِ فَيَنْصَافَحُهُنَّ إِلَّا غُفرَ لَهُمَا قَبْلَ أَنْ يَتَفَرَّقا.

41. Икки мусулмон учрашганларида қўл бериб сўрашишса, ажралиб кетишларидан олдин гуноҳлари мағфират қилинади.

42 - إِذَا تَصَافَحَ الْمُسْلِمَانَ لَمْ تَفَرَّقْ أَكُفَّهُمَا حَتَّىٰ يُغْفَرُ لَهُمَا.

42. Качон икки мусулмон қўл бериб сўрашса, уларнинг кафти ажралмай туриб икковининг гуноҳлари кечирилади.

43 - السَّلَامُ قَبْلَ السُّؤالِ فَمَنْ بَدَا بِالسُّؤالِ قَبْلَ السَّلَامِ فَلَا تُجِيبُهُ.

43. Савол беришдан олдин салом лозим. Ким саломдан олдин савол бошласа, унга жавоб берманг.

44 - أَبْخَلَ النَّاسُ مَنْ بَخْلَ بِالسَّلَامِ.

44. Энг бахил инсон салом айтишни қизғанадиган кишидир.

45 - خَيْرُ النَّاسِ أَنْفَعُهُمْ لِلنَّاسِ.

45. Одамларнинг хайрлиси одамлар учун манфаатлироқ бўлганидир.

46 - خَابَ عَبْدٌ وَخَسِرَ لَمْ يَجْعَلِ اللَّهُ تَعَالَى فِي قَلْبِهِ رَحْمَةً لِلْبَشَرِ.

46. Агар Аллоҳ таоло бир банданинг қалбидаги инсониятга раҳм-шафқат жойламаган бўлса, у хасрат ва надоматда қолибди.

47 - كُلُّ مَعْرُوفٍ صَنَعْتُهُ إِلَيْيَّ أَوْ فَقِيرٍ فَهُوَ صَدَقَةٌ.

47. Хоҳ бойга, хоҳ камбағалга нисбатан қилган барча яхшилигинг – садақадир.

48 - مَا فَتَحَ رَجُلٌ بَابَ عَطِيَّةٍ بِصَدَقَةٍ أَوْ صِلَةٍ إِلَّا زَادَهُ اللَّهُ تَعَالَى بِهَا كَثْرَةً وَمَا فَتَحَ رَجُلٌ بَابَ مَسْأَلَةٍ يُرِيدُ بِهَا كَثْرَةً إِلَّا زَادَهُ اللَّهُ تَعَالَى بِهَا قِلَّةً.

48. Киши садақа улашиш ёки қариндошлик алоқасини боғлаш эшигини очса, Аллоҳ таоло унга кўпликни зиёда қилади. Киши тиланчилик эшигини очиб, бу билан маблағи кўпайишни хохласа, Аллоҳ таоло унга қашшоқликни зиёда қилади.

– اتَّقُوا النَّارَ وَلَوْ بِشَقٍ تَمْرَةٌ فَإِنْ لَمْ تَجْدُوا فِي كَلْمَةٍ طَيِّبَةٍ. 49

49. Хурмонинг ярмини бериб бўлса ҳам жаҳаннам оловидан сақланинг. Агар уни топа олмасангиз, ширин сўз билан ҳам дўзахдан сақланинг.

– دِرْهَمُ الرَّجُلِ يُنْفِقُ فِي صِحَّتِهِ خَيْرٌ مِنْ عِنْقِ رَقَبَةِ عِنْدَ مَوْتِهِ. 50

50. Кишининг соғлом ҳолида қилган бир дирҳам микдоридаги эҳсони ўлим ҳолатида бир қулни озод қилганидан яхшироқ.

– قَرْضُ الشَّيْءِ خَيْرٌ مِنْ صَدَقَتِهِ. 51

51. (Бирор нарсани) қарз бериб туриш, садақа қилгандан яхшироқ.

– أَمِطِ الْأَذَى عَنِ الطَّرِيقِ فَإِنَّهُ لَكَ صَدَقَةٌ. 52

52. Йўлдан озор берадиган нарсани олиб ташла, мана шу ҳам сен учун садақадир

53 - مَنْ وَلِيَ شَيْئًا مِنْ أُمُورِ الْمُسْلِمِينَ لَمْ يَنْظُرِ اللَّهُ فِي حَاجَتِهِ حَتَّى يَنْظُرَ فِي حَوَائِجِهِمْ .

53. Ким мусулмонларнинг ишларига бошлиқ бўлатуриб, уларнинг талаб эҳтиёжларини бажармаса Аллоҳ ҳам асло унинг ҳожатинираво қилмайди.

54 - مِنَ الْمُرْوَةِ أَنْ يَنْصُتَ لِأَخِيهِ إِذَا حَدَّثَهُ وَمِنْ حُسْنِ الْمُمَاشَةِ أَنْ يَقْفَ أَلَّا خُلِقِيَّةٌ إِذَا انْقَطَعَ شِسْنُ نَعْلِهِ .

54. Биродари гапирганда жим туриши муруватдандир. Биродарининг пойабзалипи узилганда тўхтаб туриши пиёда юришнинг гўзал одобларидандир.

55 - الْمُؤْمِنُ الَّذِي يُخَالِطُ النَّاسَ وَيَصْبِرُ عَلَى أَذَاهُمْ أَفْضَلُ مِنَ الْمُؤْمِنِ الَّذِي لَا يُخَالِطُ وَلَا يَصْبِرُ أَذَاهُمْ .

55. Одамларга қўшилиб уларнинг озорларига сабр қиласидиган мўмин одамларга қўшилмай ва улардан етадиган азиятларга бесабр бўладиган мўминдан афзалроқдир.

56 - الْمُؤْمِنُ يَأْلِفُ وَيُؤْلَفُ وَلَا خَيْرٌ فِيمَنْ لَا يَأْلِفُ وَلَا يُؤْلَفُ وَخَيْرُ النَّاسِ أَنْفَعُهُمْ لِلنَّاسِ.

56. Мўмин банда дўст тутиб ва дўст тутинади, демак кимки бирлашмаса ва бирлаштирмаса унда яхшилик йўқ. Одамларга фойдаси теккан инсон одамларнинг яхшироғидир.

57 - اتَّقُوا اللَّهَ فِي هَذِهِ الْبَهَائِمِ الْمُعْجَمَةِ فَارْكِبُوهَا صَالِحَةً وَكُلُّوهَا صَالِحَةً لِلْأَكْلِ.

57. Тилсиз хайвонлар борасида Аллоҳдан қўрқинглар! Уларни минишга яроқли ҳолатида мининг ва ейишга яроқли ҳолида сўйинг!

58 - أَمَّا بَلَغْكُمْ إِنِّي لَعَنْتُ مَنْ وَسَمَ الْبَهِيمَةَ فِي وَجْهِهَا أَوْ ضَرَبَهَا فِي وَجْهِهَا.

58. Ҳайвонларнинг юзига тамға босувчи ёки юзига зарб билан уручини лаънатлаганим сизларга етиб келдими?!

59 - كَفَى بِالْمَرْءِ سَعَادَةً أَنْ يُوثَقَ بِهِ فِي أَمْرِ دِينِهِ وَدُنْيَاهُ.

59. Кишига дин ва дунё ишида ишонилса, бу унинг саодатли эканига кифоядир.

60 – تَحْرُّوا الصِّدْقَ وَإِنْ رَأَيْتُمْ أَنَّ فِيهِ الْهَلْكَةَ فَإِنَّ فِيهِ النَّجَاةَ وَاجْتَبِوَا الْكَذِبَ وَإِنْ رَأَيْتُمْ أَنَّ فِيهِ النَّجَاةَ فَإِنَّ فِيهَا الْهَلْكَةَ.

60. Ростгўй нарсага амал қилинглар, гарчи унда ҳалокатни кўрсангиз ҳам. Барибир унда нажот бўлади. Ёлғондан четланинглар гарчи унда нажотни кўрсанглар ҳам. Барибир унда ҳалокат бўлади.

61 – مَنْ أَعْطَى اللَّهُ وَمَنَعَ اللَّهَ وَأَبْغَضَ اللَّهَ فَقَدْ اسْتَكْمَلَ إِيمَانَهُ.

61. Ким Аллоҳ учун берса, Аллоҳ учун манъ қиласа, Аллоҳ учун яхши кўрса, Аллоҳ учун ёмон кўрса, демак у иймонини комил қилибди.

62 – رَحِمَ اللَّهُ امْرَءًا تَكَلَّمَ فَغَيْمَ أَوْ سَكَتَ فَسَلِمَ.

62. Гапириб фурсатдан фойдаланса ёки жим туриб омонда қолса ана шу кишига Аллоҳ раҳм қиласин.

63 – إِنَّ اللَّهَ رَفِيقٌ يُحِبُّ الرِّفْقَ وَيُعْطِي عَلَيْهِ مَا لَا يُعْطِي عَلَى الْعُنْفِ.

63. Албатта Аллоҳ раҳмлиkdir, раҳмдилликни яхши кўради. Шафқатсизга ато қилмаган нарсани Раҳмдилга ато қиласи.

64 – كَانَ أَيُّوبَ أَحَلَمَ النَّاسِ وَأَصْبَرَ النَّاسِ وَأَكْظَمُهُمْ لِغَيْظٍ.

64. Айюб алайҳиссалом инсонларнинг энг ҳалими, инсонларнинг энг сабрлиси ва энг ғазабини босувчилари эдилар.

65 – ثَلَاثٌ يُدْرِكُ بِهَا الْعَبْدُ رَغَائِبُ الدُّنْيَا وَالآخِرَةِ الصَّابِرُ عَلَى الْبَلَاءِ وَالرِّضَا بِالْقَضَاءِ وَالدُّعَاءُ فِي الرَّحَاءِ.

65. Банда уч ҳолатда дунё ва охиратнинг яхшиликларига етишади.

1. Балоларга сабр қилганда. 2. Қазои қадарга рози бўлганда. 3. Кенгчиликда дуо қилганда.

66 – لَيْسَ الشَّدِيدُ بِصُرْعَةٍ إِنَّمَا الشَّدِيدُ الَّذِي يَمْلِكُ نَفْسَهُ عِنْدَ الغَضَبِ.

66. Жасорат курашиш билан эмас, балки ғазабланганда ўз нафсига ғолиб келиш биландир.

67 – أَلَا أَدْلُكُمْ عَلَى أَشَدِّكُمْ أَمْلَكُكُمْ لِنَفْسِهِ عِنْدَ الغَضَبِ.

67. Сизларни кучлиларингизга далолат қилмайми?! Ғазаб келганда ўз нафсиға ғолиб келадиганингиз энг кучлиларингиздир.

68 - الْجَمَاعَةُ رَحْمَةٌ وَالْفُرْقَةُ عَذَابٌ.

68. Жамоат бўлиб бирлашиш раҳматдир. Фирқа бўлиб бўлиниш азоб уқубатдир.

69 - الْجَنَّةُ دَارُ الْأَسْخِيَاءِ.

69. Жаннат-қўли очиқ сахийлар ҳовлисиdir.

70 - خَصْلَتَانِ لَا يَجْتَمِعُانِ إِلَّا فِي الْمُؤْمِنِ: السَّخَاءُ وَحُسْنُ الْخُلُقِ.

70. Икки хислат фақатгина мўмин кишида жам бўлади: сахийлик ва гўзал хулқ.

71 - خَصْلَتَانِ لَا يَجْتَمِعُانِ فِي مُؤْمِنِ: الْبُخْلُ وَسُوءُ الْخُلُقِ.

71. Мўмин кишида икки хислат жам бўлмайди: Бахиллик ва ёмон хулқ.

72 - إِذَا حَدَّثَ الرَّجُلُ بِحَدِيثٍ ثُمَّ التَّفَتَ فَهِيَ أَمَانَةً.

72. Агар киши бир сўзни гапириб, сўнгра ўнг ва сўлга қараб қўйса, демак бу омонатли гапдир.

73 - التَّسْوِيفُ شِعَارُ الشَّيْطَانِ يُلْقِيهِ فِي قُلُوبِ الْمُؤْمِنِينَ.

73. Сусткаш бўлиб, ортга суриш шайтоннинг мўминлар қалбларига улоқтирадиган тамғасидир.

74 - اَلْاسْتَذَانُ ثَلَاثٌ، فَإِنْ أَذِنَ لَكَ وَإِلَّا فَأَرْجِعْ.

74. Изн сўраш уч мартадир, агар сизга изн берилса (киринг), бўлмаса қайтиб кетинг.

75 - إِذَا انْقَطَعَ شِسْعُ نَعْلِ أَحَدِكُمْ فَلَا يَمْشِ فِي الْأُخْرَى حَتَّى يُصْلِحَهَا.

75. Сизлардан бирингизнинг оёқ кийими ипи узилиб, яроқсиз бўлса то яроқли қилмай бошқасида юрмасин.

76 - إِذَا دُعِيَ أَحَدُكُمْ إِلَى طَعَامٍ فَلْيَجِبْ فَإِنْ كَانَ مُفْطَرًا فَلْيَأْكُلْ كُلًّا وَإِنْ كَانَ صَائِمًا فَلْيُصَلِّ.

76. Қачон сизлардан бирингиз таомга чақирилса уни қабул этсин. Агар оғзи очик бўлса таомлансин. Агар рўзадор бўлса дуо қилсин.

77 - إِنَّكُمْ تُدْعَوْنَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ بِأَسْمَائِكُمْ وَأَسْمَاءِ آبَائِكُمْ فَأَحْسِنُوا أَسْمَاءَكُمْ.

77. Албатта сизлар қиёмат кунида ўз исмларингиз ҳамда оталарингиз исмлари ила чақирилурсиз. Шундай экан исмларингизни чиройли қўйинг.

78 - حَسِّنُوا الْقُرْآنَ بِأَصْوَاتِكُمْ، فَإِنَّ الصَّوْتَ الْحَسَنَ يَزِيدُ الْقُرْآنَ حُسْنًا.

78. Куръонни овозларингиз ила гўзал қилинглар. Чунки чиройли овоз Куръоннинг гўзаллигини зиёда қиласди.

79 - اذْكُرُوا مَحَاسِنَ مَوْتَاكُمْ وَكُفُوا عَنْ مَسَاوِيهِمْ.

79. Ўликларингизни яхши амаллари ила эсга олинглар. Ёмонликларини эслашдан тийилинглар.

80 - ثَلَاثٌ كُلُّهُنَّ حَقٌّ عَلَى مُسْلِمٍ: عِيَادَةُ الْمَرِيضِ وَشُهُودُ الْجَنَازَةِ وَتَسْمِيَّתُ الْغَاطِسِ إِذَا حَمَدَ اللَّهَ.

80. Уч нарса мусулмоннинг устидаги ҳақлардандир:

1. Касални бориб кўриш. 2. Жанозада қатнашиш. Акса уриб, алҳамдуиллаҳ, деб айса ярҳамукааллоҳ деб жавоб қайтариш.

81 - إِذَا نُمْتُمْ فَأَطْفِئُوا الْمِصْبَاحَ فَإِنَّ الْفَارَةَ تَأْخُذُ الْقَنِيلَةَ فَتُحْرِقُ أَهْلَ الْبَيْتِ  
وَأَغْلِقُوا الْأَبْوَابَ وَأَوْكِدُوا الْأَسْقِيَةَ وَحَمِّرُوا الشَّرَابَ.

81. Қачон ухласангиз чирокни ўчиринглар, чунки сичқон пиликни олиб, хонадон соҳибларини кўйдириб юборади. Эшикларни ёпинглар, мешларни оғзини боғланглар ва ичимликни устини ёпинглар.

82 - مَنْ رَأَىٰ مِنْكُمْ مُنْكَرًا فَلْيُعِيرْهُ بِيَدِهِ فَإِنْ لَمْ يَسْتَطِعْ فَبِلِسَانِهِ وَإِنْ لَمْ يَسْتَطِعْ  
فِي قَلْبِهِ وَذَلِكَ أَضْعَفُ الْإِيمَانِ.

82. Сизлардан ким мункар ишни кўрса қўли билан ўзгартирсин, имкони бўлмаса тили билан қайтарсин, уддалай олмаса қалби билан ёмон кўрсин ва бу иймоннинг энг заифидир.

83 - ثَلَاثَةٌ لَا يُحْجِبُونَ عَنِ النَّارِ: الْمَنَانُ وَعَاقُّ وَالْدِهِ وَمُدْمِنُ الْحَمْرِ.

83. Уч тоифа кишини дўзах оловидан тўсилмайди: миннат қилувчи, ота-онасига оққ бўлувчи, ароққа муккасидан кетган киши.

84 - لَعْنَةُ اللَّهِ عَلَى الرَّاشِيِّ وَالْمُرْتَشِيِّ.

84. Пора берувчи ва пора олувчига Аллоҳнинг лаънати бўлсин.

85 – إِنَّ أَبْعَضَ الرِّجَالِ إِلَى اللَّهِ الْأَكْلُ الْخَصْمُ.

85. Албатта Аллоҳга энг ғазабли кишилар қаттиқ душманлик қилувчилар.

86 – لَيْسَ مِنَّا مَنْ غَشَّ مُسْلِمًا أَوْ ضَرَّهُ أَوْ مَاكِرَهُ.

86. Ким мусулмонни алдаса ёки заар қелтирса ёки алдашга ҳаракат қилса биздан эмас.

87 – دَعْ قِيلَ وَقَالَ وَكَثُرَةُ السُّؤَالِ وَإِضَاعَةُ الْمَالِ.

87. Деди-деди каби бехуда сўзларни, кўп савол беришни ва молни бехудага сарфлашни ташла.

88 – مَنْ اطَّلَعَ فِي كِتَابِ أَخِيهِ بِغِيرِ أَمْرِهِ فَكَانَمَا اطَّلَعَ فِي النَّارِ.

88. Ким биродарининг мактубига унинг рухсатисиз қараса, гўёки дўзах оловига қарагандек бўлибди.

89 - لَا تَلَعْنُوا بِلَعْنَةِ اللَّهِ وَلَا بِغَضَبِهِ وَلَا التَّارِ.

89. Аллоҳнинг лаънати, ғазаби ва дўзахи билан лаънатламанглар.

90 - مَنْ كَتَمْ شَهَادَةً إِذَا دُعِيَ إِلَيْهَا كَانَ كَمْ شَهِدَ بِالنُّورِ.

90. Ким гувоҳликка чақирилсаю, ўз гувоҳлигини беркитса, ёлғон гувоҳлик берувчи киши каби бўлур.

91 - إِنَّمَا أَهْلَكَ الدِّينَ مِنْ قَبْلِكُمْ إِنَّهُمْ كَانُوا إِذَا سَرَقَ فِيهِمُ الْشَّرِيفُ تَرَكُوهُ وَإِذَا سَرَقَ فِيهِمُ الْمُضَعِّفُ أَقَامُوا عَلَيْهِ الْحَدَّ.

91. Сизлардан аввалги уммат агар ичларидан аслзода шахс ўғрилик қилса унга жазони қўллашмас, қачон заиф бечора ўғрилик қилса, унга жазо қўллашар эди.

92 - إِذَا تَجَشَّأَ أَحَدُكُمْ أَوْ عَطَسَ فَلَا يَرْفَعُ بِهِمَا الصَّوْتَ فَإِنَّ الشَّيْطَانَ يُحِبُّ أَنْ يَرْفَعَ بِهَا الصَّوْتَ.

92. Сизлардан бирингиз кекирса ёки акса урса овозини кўтармасин, чунки шайтон овоз баландлашини яхши кўради.

93 - إِذَا تَشَاءَبَ أَحَدُكُمْ فَلْيَضْعِفْ يَدَهُ عَلَىٰ فِيهِ فَإِنَّ الشَّيْطَانَ يَدْخُلُ مَعَ التَّشَاؤِبِ.

93. Сизлардан бирингиз эснаса қўлини оғзини устига қўйсин, чунки шайтон эсноқ билан бирга киради.

94 - آيَةُ الْمُنَافِقِ ثَلَاثٌ: إِذَا حَدَّثَ كَذَبَ وَإِذَا وَعَدَ أَخْلَفَ وَإِذَا أَتَمَنَ خَانَ.

94. Мунофиқнинг учта белгиси бор: гапирса ёлғон сўзлайди, ваъда берса уддасидан чиқмайди ва омонат қўйилса хиёнат қилади.

95 - الْحَسَدُ يَأْكُلُ الْحَسَنَاتِ كَمَا تَأْكُلُ النَّارُ الْحَطَبَ، وَالصَّدَقَةُ تُطْفِيءُ  
الْخَطِيئَةَ كَمَا يُطْفِيءُ الْمَاءُ النَّارَ وَالصَّلَاةُ نُورُ الْمُؤْمِنِ وَالصَّيَامُ جَنَّةٌ مِنَ النَّارِ.

95. Худди олов ўтинни егани каби ҳasad яхшиликларни ейди. Сув оловни ўчирганидек садақа хато ва камчиликни ўчиради. Намоз мўминнинг нуридир, рўза дўзахдан тўсувчи қалқондир.

96 - إِنَّ اللَّهَ تَعَالَى يُحِبُّ مِنَ الْعَامِلِ إِذَا عَمِلَ أَنْ يُحْسِنَ عَمَلَهُ.

96. Албатта Аллоҳ таоло ишчининг ўз ишини гўзал тарзда адо этишини яхши кўради.

97 - لَا عَقْلٌ كَالْتَّدِيرِ وَلَا وَعَ كَالْكَفِّ وَلَا حَسَبَ كَحُسْنِ الْخُلُقِ.

97. Тадбир каби ақл йўқ. Ўзини ҳаромдан тийиш каби тақво йўқ. Гўзал хулқ каби мартаба йўқ.

98 - أَعْظَمُ النَّاسِ هَمًا الْمُؤْمِنُ يَهْتَمُ بِأَمْرِ دُنْيَاهُ وَأَمْرِ آخِرَتِهِ.

98. Инсонларнинг ғам жиҳатидан энг улуғи дунё ва охират ишларига диққат билан эътиборли бўлган мўминдир.

99 - أَصْلِحُوا دُنْيَاكُمْ وَاعْمَلُوا لَا يَرَكُمْ كَانَكُمْ تَمُوْتُونَ غَدًّا.

99. Дунёингизни яхшиланг, охиратингиз учун худди эртага ўладигандек амал қилинг!

100 - إِذَا أَرَدْتَ أَنْ تَفْعَلْ أَمْرًا فَتَدَبَّرْ عَاقِبَتَهُ إِنْ كَانَ حَيْرًا فَامْضِ وَإِنْ كَانَ شَرًّا فَانْتَهِ.

100. Агар бир иш қилишни хоҳласанг дарҳол унинг оқибати хусусида чора тадбирини кўргин. Агар оқибати яхшилик бўлса бошла, агар ёмон бўлса тўхтат.

**101 - خُذِ الْأَمْرَ بِالْتَّدْبِيرِ فَإِنْ رَأَيْتَ فِي عَاقِبَتِهِ خَيْرًا فَامْضِ وَإِنْ خَفْتَ غَيْرًا فَامْسِكْ.**

101. Ишни тадбир билан қил, агар шу ишинг оқибатида хайрни кўрсанг давом этгин. Бордию хато қилишдан қўрқсанг воз кечгин.

**102 - خَيْرُكُمْ مَنْ لَمْ يَتُرُكْ آخِرَتَهُ لِدُنْيَاهُ وَلَا دُنْيَاهُ لِآخِرَتِهِ وَلَمْ يَكُنْ كَلَّاً عَلَى النَّاسِ.**

102. Сизларни яхшиларингиз дунё ҳаёти учун охират ҳаётини ва охират ҳаёти учун дунё ҳаётини тарк этмайдиган ҳамда одамларга боқиманда бўлмайдиган кишидир.

**103 - اغْتِسِمْ خَمْسًا قَبْلَ خَمْسٍ: حَيَاكَ قَبْلَ مَوْتِكَ وَصِحَّتَكَ قَبْلَ سَقَمِكَ وَفَرَاغَكَ قَبْلَ شَغْلِكَ وَشَبَابَكَ قَبْلَ هَرَمِكَ وَغَنَاكَ قَبْلَ فَقْرِكَ.**

103. Беш нарсадан олдин беш нарсани ғанимат билгин: ўлиминг келишидан олдин ҳаёtingни, касаллик келишидан олдин соғломлигингни, машғул ва бандлик келишидан олдин эркинликни, қарилик келишидан олдин ёшлигингни, бойлик келишидан олдин камбағаллигингни.

١٠٤ - إِذَا سَرَّتْكَ حَسَنَتْكَ وَسَاءَتْكَ سَيِّئَتْكَ فَإِنَّمَا مُؤْمِنٌ.

104. Агар яхшиликларинг сени хурсанд қилса ва ёмонликларинг сени хафа қилса демак сен мўминсан.

١٠٥ - مَا كَرِهْتَ إِن يَرَاهُ النَّاسُ مِنْكَ فَلَا تَفْعِلْهُ بِنَفْسِكَ إِذَا خَلَوْتَ.

105. Одамлар сенда кўришларини кариҳ кўрган нарсани ўзинг холи қолганда бажарма!

١٠٦ - عَوْدُوا قُلُوبَكُمُ التَّرَقُّبَ وَأَكْثِرُوا التَّفَكُّرَ وَالْإِعْتِباَرَ.

106. Қалбларингизни кузатиб турешга одатлантиринглар, тафаккур ва эътиборни кўпайтиринглар.

١٠٧ - خَيْرٌ أُمَّتِي الَّذِينَ إِذَا أَسَأُوا اسْتَغْفَرُوا وَإِذَا أَحْسَنُوا اسْتَبْشِرُوا وَإِذَا سَافَرُوا قَصَرُوا وَأَفْطَرُوا.

107. Умматимнинг хайрлиси шундайки, агар ёмонлик қилсалар тавба ила кечирим сўрайдилар агар яхшилик хурсанд бўладилар агар сафарда бўлсалар намозларини қаср ўқирлар ва оғизлари очик бўлур.

108 - ثَلَاثٌ يَتَحَدَّثُونَ فِي ظِلِّ الْعَرْشِ آمِنِينَ وَالنَّاسُ فِي الْحِسَابِ: رَجُلٌ لَمْ تَأْخُذْهُ فِي اللَّهِ لَوْمَةٌ لَا إِيمَانَ وَرَجُلٌ لَمْ يَمْدُدْ يَدَيْهِ إِلَى مَالٍ يَحْلُلُ لَهُ وَرَجُلٌ لَمْ يَنْظُرْ إِلَى مَا حَرَمَ اللَّهُ عَلَيْهِ.

108. Киёмат кунида инсонлар ҳисоб-китоб қилинаётганда уч тоифа кишилар арш соясида омонликда гапираверадилар.

1. Бир кишики, Аллоҳ йўлидаги хизматида маломатчининг маломати тўсиб қўймайди.

2. Бир кишики, ўзига ҳалол бўлмаган нарсага қўл чўзмайди.

3. Бир кишики, Аллоҳ унга ҳаром қилган нарсага назар солмайди.

109 - تَعَوَّفُ إِلَى اللَّهِ فِي الرَّخَاءِ يَعْرُفُكَ فِي الشَّدَّةِ.

109. Сен Аллоҳ таолони кенгчиликда танигин, У Зот ҳам сени қийинчиликда танийди.

110 - إِنَّ اللَّهَ يَرْضَى لَكُمْ ثَلَاثًا وَيَكْرُهُ لَكُمْ ثَلَاثًا، فَيَرْضَى لَكُمْ أَنْ تَعْبُدُوهُ وَلَا تُشْرِكُوا بِهِ شَيْئًا وَأَنْ تَعْتَصِمُوا بِحَبْلِ اللَّهِ جَمِيعًا وَلَا تَفَرَّقُوا وَأَنْ تَنَاصَحُوا مِنْ وَلَّهِ اللَّهُ أَمْرُكُمْ وَيَكْرُهُ لَكُمْ قِيلَ وَقَالَ وَكُثْرَةُ السُّؤَالِ وَإِضَاعَةُ الْمَالِ.

110. Албатта Аллоҳ сизлар учун уч нарсада рози бўлур ва уч нарсада норози бўлур.

Унга ибодат қилишингиз, Унга бирор нарсани шерик тутмаслигингиз, Аллоҳ арқонини жам бўлиб маҳкам ушлашингиз, фирмә бўлиб кетмаслигингиз ва Аллоҳ бошлиқ қилган кишиларга насиҳатда бўлишингизда рози бўлур.

Аллоҳ "деди-деди"ни, кўп савол беришни ва молни зое қилишни ёмон кўради.

111 - إِنَّ الْمُؤْمِنَ يُجَاهِدُ بِسَيْفِهِ وَلِسَانِهِ.

111. Албатта мўмин banda қиличи ва тили билан жидду-жаҳд қиласди.

112 - إِنَّ اللَّهَ لَا يَنْظُرُ إِلَى صُورِكُمْ وَأَمْوَالِكُمْ وَلَكِنْ يَنْظُرُ إِلَى قُلُوبِكُمْ  
وَأَعْمَالِكُمْ.

112. Албатта Аллоҳ таоло сизларнинг суратларингиз ва мол-дунёларингизга назар қилмайди. Лекин қалбларингизга ва амалларингизга назар қиласди.

113 - إِذَا مَاتَ الْإِنْسَانُ انْقَطَعَ عَمَلُهُ إِلَّا مِنْ ثَلَاثٍ. صَدَقَةٌ جَارِيَةٌ أَوْ عِلْمٌ يُنْتَفَعُ بِهِ أَوْ وَلَدٌ صَالِحٌ يَدْعُو لَهُ.

113. Қачон инсон вафот қиласа уч амалидан бошқаси тўхтатилади. Улар садақаи жория, фойдалик илм ва дуо қиладиган солих фарзанд.

**114 – سَيِّدُ الْقَوْمِ خَادِمُهُمْ وَسَاقِيهِمْ آخِرُهُمْ شُرِبًاً.**

114. Қавмнинг бошлиғи қавмининг хизматини қиласи. Қавмга сув ичирувчи ўзи охирида ичади.

**115 – مَا نَحْلٌ وَالَّذِي لَوْلَدِهِ أَفْضَلٌ مِنْ أَدَبٍ حَسَنٍ.**

115. Отанинг ўз фарзандига гўзал одоб беришдан кўра афзалроқ ҳадяси йўқ.

**116 – لَأَنْ يَهْدِيَ اللَّهُ عَلَى يَدِيْكَ رَجُلًا خَيْرٌ لَكَ مِمَّا طَلَعَتْ عَلَيْهِ الشَّمْسُ وَغَرَبَتْ.**

116. Сен сабаб бир кишини Аллоҳ хидоят қилмоқлиги қуёшнинг чиқиб ботишидан сен учун яхшироқ.

**117 – لِكُلِّ شَيْءٍ طَرِيقٌ وَطَرِيقُ الْجَنَّةِ الْعِلْمُ.**

117. Ҳар бир нарсанинг йўли бор, жаннатнинг йўли илм.

118 - طَلَبُ الْعِلْمِ أَفْضَلُ عِنْدَ اللَّهِ مِنَ الصَّلَاةِ وَالصِّيَامِ وَالْحَجَّ وَالْجَهَادِ فِي سَبِيلِ اللَّهِ.

118. Илм олиш Аллоҳ ҳузурида (нафл) намоз ўқиши, рўза тутиши, ҳаж қилиши, Аллоҳ йўлида жидду-жаҳд қилишдан афзалроқ

119 - الْعِلْمُ حَيَاةُ الْإِسْلَامِ وَعِمَادُ الْإِيمَانِ وَمَنْ عَلِمَ عِلْمًا أَتَمَ اللَّهُ أَجْرَهُ وَمَنْ تَعْلَمَ فَعَمِلَ عَلَمَهُ اللَّهُ مَا لَمْ يَعْلَمْ.

119. Илм Исломнинг ҳаёти ва иймоннинг устунидир. Кимки илмни ўргатса Аллоҳ унга мукофотини тўлиқ беради. Ким илмни ўрганса ва унга амал қилса, Аллоҳ унга билмаганларини ўргатади.

120 - الْعَالِمُ وَالْمُتَعَلِّمُ شَرِيكَانِ فِي الْخَيْرِ وَسَائِرُ النَّاسِ لَا خَيْرٌ فِيهِ.

120. Олим ва таълим оловчи яхшилик йўлида шерикдир. Бошқа инсонлар яхшилиқдан маҳрумдир.

121 - مَا حَرَجَ رَجُلٌ مِنْ بَيْتِهِ يَطْلُبُ عِلْمًا إِلَّا سَهَلَ اللَّهُ لَهُ طَرِيقًا إِلَى الْجَنَّةِ.

121. Киши уйидан илм талабида чиқса, Аллоҳ унга жаннатга элтувчи йўлни енгил қиласи.

122 - عَلِمُوا أَبْنَاءَكُمُ السَّيَّاحَةَ وَالرَّمَيَّ وَالْمَرْأَةَ الْمَغْزَلَ.

122. Ўғил фарзандларингизга сузиш ва мерганликни ўргатинг қизларга йигириш, (тикувчиликни) ўргатинг.

123 - كَاتِمُ الْعِلْمِ يَلْعَنُهُ كُلُّ شَيْءٍ حَتَّى الْحُوتُ فِي الْبَحْرِ وَالطَّيْرُ فِي السَّمَاءِ.

123. Илмни тарқатмай яширувчини ҳамма лаънатлайди. Ҳатто денгиздаги балиқ ва самодаги қуш ҳам.

124 - لَأَنْ يُؤَدِّبَ الرَّجُلُ وَلَدَهُ خَيْرٌ لَهُ مِنْ أَنْ يَتَصَدَّقَ بِصَاعٍ.

124. Кишининг ўз ўғлини тарбиялаб одоб бермоғи унинг учун бир соъ микдорида садақа қилмоғидан яхшидир.

125 - مِنْ فِقْهِ الرَّجُلِ أَنْ يَصْلُحَ مَعِيشَتَهُ. وَلَيْسَ مِنْ حُبِّ الدُّنْيَا طَلَبٌ مَا يُصْلِحُكَ.

125. Яшаш тарзини чиройли йўлга қўйиши кишининг фақихлигидан далолатдир. Ўзини ислоҳоти йўлида талабгор бўлиб юриши кишини дунёни яхши кўришни англатмайди.

**126 – عَلَيْكُمْ بِالْقُرْآنِ فَاتَّحُذُوهُ إِمَامًا وَقَائِدًا فَإِنَّهُ كَلَمُ رَبِّ الْعَالَمِينَ الَّذِي هُوَ مِنْهُ وَإِلَيْهِ يَعُودُ فَآمِنُوا.**

126. Сизлар ўзингизга Қуръонни лозим тутинг, уни имом ва йўлбошчи қилиб олинг. Чунки у оламлар робби Аллоҳнинг каломидир. Қуръон Аллоҳ томонидан келган ва Унга қайтади, шундай экан унга иймон келтиринглар.

**127 – أَئُمَّا نَاسٍ نَشَاءَ فِي طَلَبِ الْعِلْمِ وَالْعِبَادَةِ حَتَّىٰ يَكُبُرُ أَعْطَاهُ اللَّهُ تَعَالَىٰ يَوْمَ الْقِيَامَةِ ثَوَابَ الْأَثْنَيْنِ وَسَبْعِينَ صِدِّيقًا.**

127. Қайси ўспирин илм талаби ва ибодатда ўssa Аллоҳ таоло унга қиёмат куни етмиш икки сиддиқнинг савобини ато қилади.

**128 – لَا طَاعَةَ لِمَخْلُوقٍ فِي مَعْصِيَةِ الْخَالِقِ.**

128. Яратувчига осий бўлинадиган ишда махлуқга итоат қилиш йўқ.

129 - أَشَدُ النَّاسِ عَذَابًا يَوْمَ الْقِيَامَةِ عَالِمٌ لَمْ يَنْفَعْهُ عِلْمُهُ.

129. Қиёмат куни азоб жиҳатидан энг қаттиғи илми фойда бермаган олимдир.

130 - صَاحِبُ الدِّينِ مَغْلُولٌ فِي قَبْرِهِ إِلَى قَضَاءِ دِينِهِ.

130. Қарздор киши то қарзини узгунча қабрида кишанланган ҳолда бўлади.

131 - الدِّينُ شَيْنُ الدِّينِ.

131. Қарзга ботишлиқ диннинг булғовчиидир.

132 - أَنْتُمْ أَعْلَمُ بِأُمُورِ دُنْيَاكُمْ.

132. Сизлар дунёдаги ишларингизни мендан кўра яхшироқ биласизлар.

133 - اسْتَعِيدُوا بِاللَّهِ مِنَ الْفَقْرِ وَالْعَيْلَةِ وَمَنْ أَنْ تَظْلِمُوا أَوْ تُظْلَمُوا.

133. Аллоҳ номи билан фақирлик ва ноҷорлиқдан паноҳ сўранг ҳамда зулм қилишдан ва зулм қилинишдан паноҳ сўранг.

134 - مَا أَكَلَ أَحَدٌ طَعَامًا قَطُّ خَيْرًا مِنْ أَنْ يَأْكُلَ مِنْ عَمَلٍ يَدِهِ وَأَنَّ نَبِيًّا اللَّهِ دَاؤُدَ كَانَ يَأْكُلُ مِنْ عَمَلٍ يَدِهِ.

134. Киши қўл меҳнати орқали тирикчилик қилганчалик яхши таом емайди. Албатта Аллоҳнинг набийси Довуд алайҳиссалом қўл меҳнатлари орқали тирикчилик қилардилар.

135 - عَلَيْكَ بِالإِيمَانِ مِمَّا فِي أَيْدِي النَّاسِ وَإِيَّاكَ وَالظَّمَعَ فَإِنَّهُ الْفَقْرُ الْحَاضِرُ وَصَلَّى صَلَاتَكَ وَأَنْتَ مُوَدِّعٌ وَإِيَّاكَ وَمَا يُعْتَدُرُ مِنْهُ.

135. Сен одамларнинг қўлидаги нарсада ноумид бўл, тамаъдан ҳазир бўл, чунки тамаъ накд фақирлиқдир. Сен видолашувчи каби намоз ўқи ва узр айтадиган нарсадан сақлан!

136 - رَحِمَ اللَّهُ امْرًا أَكْتَسَبَ طَيِّبًا وَأَنْفَقَ قَصْدًا وَقَدَّمَ فَضْلًا لِيَوْمٍ فَقْرِهِ وَحَاجَتِهِ.

136. Аллоҳ бир кишини раҳм қилсин, у пок йўл билан касб қилиб, ўртacha ишлатса ва ортганини камбағаллик куни ва муҳтож пайтига олиб қўйса.

137 - اسْتَغْنُوا عَنِ النَّاسِ وَلَوْ بِشَوْصِ السِّوَالِكِ.

137. Мисвок шохчасидек нарсада ҳам одамлардан беҳожат бўлинг.

138 – إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ أَنْ يَرَى عَبْدَهُ تَعِبًا فِي طَلَبِ الْحَلَالِ.

138. Албатта Аллоҳ ҳалол ризқ талабидаги бандасини чарчаган ҳолда кўришни севади.

139 – لَأَنْ يَاخُذَ أَحَدُكُمْ حَبْلَهُ ثُمَّ يَغْدُو إِلَى الْجَبَلِ فَيَخْتَطِبَ فِي بَيْعٍ وَيَأْكُلَ وَيَتَصَدَّقَ خَيْرٌ مِنْ أَنْ يَسْأَلَ النَّاسَ.

139. Сизлардан бирингиз арқонини олиб, сўнгра тоққа бориб, ўтин териб, шу ўтинни сотиб қорнини тўйғизмоғи ва садака қилмоғи одамлардан сўрашликдан яхшироқдир.

140 – إِنَّ اللَّهَ تَعَالَى يَقُولُ أَنَا ثَالِثُ الشَّرِيكَيْنِ مَا لَمْ يَخْنُ أَحَدُهُمَا صَاحِبَهُ فَإِذَا خَانَهُ خَرَجْتُ مِنْ بَيْنِهِمَا.

140. Аллоҳ таоло айтади: Мен икки шерикнинг учинчисиман модомики, бири иккинчисига хиёнат қилмаса. Агар хиёнат қилса мен уларнинг орасидан чиқдим.

141 – مَنْ أَحْيَا أَرْضًا مَيْتَةً فَلَهُ أَجْرٌ وَمَا أَكَلَتِ الْعَافِيَةُ مِنْهَا فَهُوَ لَهُ صَدَقَةٌ.

141. Кимки ўлик ерни тирилтирса, унинг учун ажр бордир. Ундан жони бор нарсалар еса, бу унинг учун садақадир.

142 - مَا مِنْ مُسْلِمٍ يَزْرُعُ زَرْعًا أَوْ يَغْرِسُ غَرْسًا فَيَاكُلُّ مِنْهُ طَيْرٌ أَوْ إِنْسَانٌ أَوْ بَهِيمَةٌ إِلَّا كَانَ لَهُ صَدَقَةٌ.

142. Қайси мусулмон уруғ экса ёки кўчат ўтқазса сўнг ундан қуш ё инсон ё ҳайвон истеъмол қилса, бу экувчи учун садақа бўлади .

143 - إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ الْعَبْدَ الْمُحْتَرَفَ.

143. Албатта Аллоҳ қасб-хунарли бўлган бандани севади.

144 - كَانَ زَكَرِيَّا فَجَارًا.

144. Закариё алайҳиссалом қудук қазиб сув чиқарувчи эдилар.

145 - مَا مِنْ أَهْلِ بَيْتٍ عِنْدَهُمْ شَاءَ إِلَّا وَفِي بَيْتِهِمْ بَرَكَةٌ.

145. Қайси хонадонда қўй бўлса, демак уларнинг уйида барака бордир.

**146 – الإِقْصَادُ فِي النَّفَقَةِ نِصْفُ الْمَعِيشَةِ وَالْتَّوْدُدُ إِلَى النَّاسِ نِصْفُ الْعُقْلِ  
وَحُسْنُ السُّؤَالِ نِصْفُ الْعِلْمِ.**

146. Сарф харажатда тежамкорликлик тирикчиликнинг тенг ярмидир. Одамлар билан дўстона муносабатда бўлиш ақл заковатнинг ярмидир. Чиройли савол бериш илмнинг ярмидир.

**147 – أَخْسِنُوا لِبَاسَكُمْ وَأَصْلِحُوا رِحَالَكُمْ حَتَّىٰ تَكُونُوا كَانِتُكُمْ شَامَةً فِي النَّاسِ.**

147. Кийимларингизни чиройли қилиб кийинглар, уловларингизни яроқли қилиб (мининглар) ҳатто одамлар орасида ҳол каби бўлинглар.

**148 – كُلُوا وَاشْرِبُوا وَتَصَدَّقُوا وَالْبِسُوا فِي غَيْرِ إِسْرَافٍ وَلَا مَحِيلَةٍ.**

148. Енглар, ичинглар, садақа қилинглар ва кибрга кетмай, исроф қилмай кийининглар.

**149 – بَرِّدُوا طَعَامَكُمْ يُبَارِكُ لَكُمْ فِيهِ.**

149. Таомларингизни совутиб енглар, шунда сизларга барака берилур.

**150 – غَسْلُ الْإِنَاءِ وَطَهَارَةُ الْفَنَاءِ يُورِثَانِ الْغُنَىَ.**

150. Идишни ювиш ва ҳовли сахнасини тоза тутиш бойликни келтиради.

151 – إِنَّ اللَّهَ تَعَالَى يُبَغِّضُ الْوَسْخَ وَالشَّعْثَ.

151. Албатта Аллоҳ, ифлос-кир ҳамда тўзғиган-тартибсизни ёмон кўради.

152 – حَقُّ اللَّهِ عَلَى كُلِّ مُسْلِمٍ أَنْ يَغْتَسِلَ فِي كُلِّ سَبْعَةِ أَيَّامٍ يَوْمًا يَغْسِلُ فِيهِ رَأْسَهُ وَجَسَدَهُ.

152. Аллоҳ таолонинг ҳар бир мусулмон устидаги ҳаққи ҳар етти кунда бир, боши ва танасини ювиб гусл қилишидир.

153 – حَقٌّ عَلَى كُلِّ مُسْلِمٍ السَّوَاكُ وَغُسْلٌ يَوْمَ الْجُمُعَةِ وَأَنْ يَمْسَّ مِنْ طِيبِ أَهْلِهِ إِنْ كَانَ.

153. Ҳар бир мусулмоннинг бурчи, мисвок тутиш, жума куни ғусл қилиш ва агар топилса ахлининг хушбӯй нарсаларидан суртиш.

154 – تَدَأْوُوا بِالْبَيْنِ الْبَقَرِ فَإِنِّي أَرْجُو أَنْ يَجْعَلَ اللَّهُ فِيهَا شِفَاءً فَإِنَّهَا تَأْكُلُ مِنْ كُلِّ الشَّجَرِ.

154. Сигирнинг сутлари билан даволанинглар. Чунки сигир барча ўсимликларни егани учун Аллоҳ унда шифо бўлдиришини умид қиласман.

155 – إِذَا سَمِعْتُمْ بِالطَّاغُونِ بِأَرْضٍ فَلَا تَدْخُلُوا عَلَيْهِ وَإِذَا وَقَعَ وَأَنْتُمْ بِأَرْضٍ فَلَا تَخْرُجُوا مِنْهَا فِرَارًا مِنْهُ.

155. Қачон бир маконда ўлат борлигини эшитсангиз у жойга кирманглар. Агар сизлар мавжуд бўлган маконда зохир бўлса, у ердан қочган ҳолда чиқиб кетманглар.

156 – إِنَّ اللَّهَ تَعَالَى حِيثُ خَلَقَ الدَّاءَ خَلَقَ الدَّوَاءَ فَتَدَأْوُوا.

156. Албатта Аллоҳ таоло касалликни яратди ва шифони ҳам яратди, бас даволанинглар.

157 – إِنَّ اللَّهَ لَمْ يَجْعَلْ شِفَاءً كُمْ فِيمَا حُرِّمَ عَلَيْكُمْ.

157. Аниқки, Аллоҳ сизларга ҳаром қилинган нарсада шифони бермади.

158 - كُلُّ مُسْكِرٍ حَمْرٌ وَكُلُّ مُسْكِرٍ حَرَامٌ.

158. Барча маst қилувчи нарса ароқдир ва барча маst қилувчи ичимлик ҳаромдир.

159 - أَنْهَاكُمْ عَنْ قَلِيلٍ مَا أَسْكَرَ كَثِيرٌ.

159. Сизларни кўпи маst қилувчи нарсанинг озидан ҳам ман қиласман.

160 - اجْتَبِوَا الْخَمْرَ فَإِنَّهَا مِفْتَاحٌ كُلٌّ شَرٌّ.

160. Ароқ (маст қилувчи ичимлик)дан сақланинглар. Чунки у барча ёмонликларнинг калитидир.

161 - مَنْ أَحْدَثَ فِي أَمْرِنَا هَذَا مَا لَيْسَ مِنْهُ فَهُوَ رَدٌّ.

161. Кимдир бизнинг ишимизда бирор янгиликни пайдо қиласаю, у диндан бўлмаса, ўша нарса рад қилингандир.

162 - إِيمَانٌ أَنْ تُؤْمِنَ بِاللَّهِ وَمَلَائِكَتِهِ وَكُتُبِهِ وَرَسُلِهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ وَتُؤْمِنَ بِالْقَدْرِ خَيْرٌ وَشَرٌّ.

162. Иймон – Аллоҳга, Унинг фаришталарига, Унинг китобларига, Унинг элчиларига, қиёмат кунига ва тақдирнинг яхши ва ёмонига ишонишидир

**163 – الإِيمَانُ بِاللَّهِ إِقْرَارٌ بِاللُّسَانِ وَتَصْدِيقٌ بِالْقَلْبِ وَعَمَلٌ بِالْأَرْكَانِ.**

163. Иймон – Аллоҳга ишониш, тили билан иқрор бўлиш, қалб билан тасдиқлаш ва дин арконларига амал қилмоқликдир.

**164 – ذَاقَ طَعْمَ الْإِيمَانِ مَنْ رَضِيَ بِاللَّهِ رَبِّاً وَبِالْإِسْلَامِ دِينًا وَبِمُحَمَّدٍ رَسُولًا.**

164. Ким Аллоҳни Робб, Исломни дин деб ва Муҳаммад алайҳиссаломни Аллоҳнинг элчиси дея эргашса, у иймоннинг мазасини тотибди.

**165 – إِلَسْلَامُ أَنْ تَشْهَدَ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَأَنَّ مُحَمَّدًا رَسُولُ اللَّهِ وَتَقِيمَ الصَّلَاةَ وَتُؤْتِيَ الرُّكَّاةَ وَتَصُومَ رَمَضَانَ وَتَحَجَّجَ الْبَيْتَ إِنِ اسْتَطَعْتَ إِلَيْهِ سَبِيلًا.**

165. Ислом – Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ ва албатта Муҳаммад Аллоҳнинг элчиси, дея гувоҳлик беришинг, намозни адo қилиб закот беришинг, рамазон рўзасини тутишинг ва йўлига қурбинг етса ҳаж қилишингдир.

**166 – مَنْ شَهَدَ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَأَنَّ مُحَمَّدًا رَسُولُ اللَّهِ حَرَّمَ اللَّهُ عَلَيْهِ النَّارَ.**

166. Ким, Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ ва албатта Муҳаммад Аллоҳнинг элчиси дея гувоҳлик берса Аллоҳ унга дўзахни ҳаром қиласди.

167 – أَسْعَدُ النَّاسِ بِشَفَاعَتِي يَوْمَ الْقِيَامَةِ مِنْ قَالَ: لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ خَالِصًا مُحْلِصًا  
مِنْ قَلْبِهِ.

167. Ким қалдан, ихлос билан холисона “Лаа илаҳа иллаллоҳ” деса Қиёмат кунида менинг шафоатим сабабли инсонларнинг энг баҳтлиси бўлур.

168 – جَدِّدُوا إِيمَانَكُمْ، أَكْثِرُوا مِنْ قَوْلٍ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ.

168. Сизлар иймонингизни “Лаа илаҳа иллаллоҳ” жумласини такрор такрор айтиш ила янгила б туринглар.

169 – أَخْلِصُوا عِبَادَةَ اللَّهِ تَعَالَى وَأَقِيمُوا خَمْسَكُمْ وَأَدُّوا زَكَوةَ أَمْوَالِكُمْ طَيِّبَةً بِهَا  
أَنْفُسَكُمْ وَصُومُوا شَهْرَكُمْ وَحَجُّوا بَيْتَكُمْ تَدْخُلُوا جَنَّةً رَّيْكُمْ.

169. Аллоҳ таолонинг ибодатида холис бўлинглар, беш вақт намозни адo қилинглар, мол дунёларингиз закотини чин кўнгилдан чиқаринглар

рамазон ойи рўзасини тутинглар, уйингиз (яъни Байтуллоҳ)ни ҳаж қилинглар ва Роббингиз жаннатига киринглар!

170 – الصَّلَاةُ عِمَادُ الدِّينِ.

170. Намоз диннинг устунидир.

171 – خَيْرُ الْأَعْمَالِ الصَّلَاةُ فِي أَوَّلِ وَقْتِهَا.

171. Амалларнинг яхшиси намозни илк вақтидаёқ адо этишдир.

172 – إِنَّ كُلَّ صَلَاةٍ تَحُطُّ مَا بَيْنَ يَدِيهَا مِنْ خَطِيئَةٍ.

172. Шубҳасиз ҳар бир намоз ўзидан олдинги хато ва камчиликларни ўчиради.

173 – حَفِظْ عَلَى الْعَصْرَيْنِ صَلَاةً قَبْلَ طُلُوعِ الشَّمْسِ وَصَلَاةً بَعْدَ غُرُوبِهَا.

173. Куннинг икки вақтидаги намозни, яъни қуёш чиқишидан олдинги ва қуёш ботгандан кейинги намозни муҳофаза қил.

174 – أَفْضَلُ الْأَعْمَالِ الصَّلَاةُ لِوقْتِهَا وَبِرُّ الْوَالَّدَيْنِ وَالْجِهَادُ فِي سَبِيلِ اللهِ.

174. Амалларнинг энг афзали вақтида ўқилган намоз, ота-онага яхшилик қилиш ва Аллоҳ йўлида қилинган жидду-жаҳддир.

175 - مَثُلُ الصَّلَوَاتِ الْخَمْسٍ كَمَثْلِ نَهْرٍ جَارٍ عَذْبٍ عَلَى بَابِ أَحَدِكُمْ يَغْتَسِلُ فِيهِ كُلُّ يَوْمٍ خَمْسَ مَرَّاتٍ فَمَا يُبْقِي ذَلِكَ مِنَ الدَّنَسِ.

175. Беш вақт намозларнинг мисоли гўёки сизлардан бирингизнинг эшиги ёнидан оқиб ўтувчи чучук сув бўлиб, у ҳар куни беш маротаба шу сувда чўмилса, унда бирор кир қоладими.

176 - الدُّعَاءُ مِفتَاحُ الرَّحْمَةِ وَالْوُضُوءُ مِفتَاحُ الصَّلَاةِ وَالصَّلَاةُ مِفتَاحُ الْجَنَّةِ.

176. Дуо раҳмат калитидир. Таҳорат намоз калитидир. Намоз жаннат калитидир.

177 - الْجُمُعَةُ إِلَى الْجُمُعَةِ كَفَارَةٌ مَا بَيْنَهُمَا مَا لَمْ تُغْشَ الْكَبَائِرُ.

177. Жумадан жумагача бўлган фурсат орасидаги гуноҳлар каффорат қилингандир, модомики кабира гуноҳлар аралашмаса

178 - صَلَاةُ الْجَمَاعَةِ تَفْضُلُ صَلَاةِ الْفَدْرِ سَبْعٌ وَعِشْرِينَ دَرَجَةً.

178. Жамоат ила ўқилган намоз ёлғиз ўқилган намоздан йигирма етти маротаба фазилатлидир.

179 - إِنْ سَرِّكُمْ أَنْ تُقْبَلَ صَلَاتُكُمْ فَلْيُؤْمَكُمْ عَلَمَاءُكُمْ وَفُدُوكُمْ فِيمَا بَيْنَكُمْ وَبَيْنَ رَبِّكُمْ.

179. Агар намозингиз қабул қилиниши сизларни шод қилса, олимларингиз имомликка ўтсин. Чунки улар сизлар билан Роббингиз орасидаги элчиidir.

180 - سَوْوا صُفُوفَكُمْ لَا تَخْتَلِفُ قُلُوبُكُمْ.

180. Сафларингизни текисланг, қалбларингиз турлича бўлиб қолмасин.

181 - إِذَا صَلَيْتُمُ الْفَجْرَ فَلَا تَنَامُوا عَنْ طَلَبِ أَرْزَاقِكُمْ.

181. Қачон бомдод намозини ўқиб бўлсангиз, ризқларингизни талаб қилишдан ухлаб қолманг.

182 - إِنَّ اللَّهَ تَعَالَى وَضَعَ عَنِ الْمُسَافِرِ الصَّوْمَ وَشَطَرَ الصَّلَاةِ.

182. Албатта Аллоҳ таоло мусофиран рўзани соқит қилди ва намозини (қаср қилиб) ярмини ўқиши буюрди.

183 – إِنَّ اللَّهَ تَعَالَى افْتَرَضَ صَوْمَ رَمَضَانَ وَسَنَنْتُ لَكُمْ قِيَامَهُ فَمَنْ صَامَهُ وَقَامَهُ  
إِيمَانًا وَاحْتِسَابًا وَبِقِينَا گَانَ گَفَارَةً لِمَا مَضَى.

183. Албатта Аллоҳ таоло рамазон ойида рўза тутишни фарз қилди ва мен сизларга рамазон ойи кечаларида ибодатда қоим бўлишни суннат қилдим. Бас кимки тўлиқ ишонч, савоб умиди ва ўта кучли ишончда рўза тутиб, кечаси бедор бўлса, мана шу ўтган гуноҳлари учун каффорот бўлади.

184 – صُومُوا تَصْحُوا.

184. Рўза туting соғлом бўласизлар.

185 – ثَلَاثُ دَعْوَاتٍ مُسْتَجَابَاتٌ: دَعْوَةُ الصَّائِمِ وَدَعْوَةُ الْمَظْلُومِ وَدَعْوَةُ  
الْمُسَافِرِ.

185. Уч кишининг дуоси қабулдир:

1. Рўзадорнинг дуоси.
2. Мазлумнинг дуоси.
3. Мусофириларнинг дуоси.

186 – إِنَّ لِلصَّائِمِ عِنْدَ فِطْرِهِ لَدَعْوَةً مَا تُرَدُّ.

186. Албатта Рўзадор учун “оғиз очиш” пайтида қабул бўладиган дуо бордир.

187 - ذَاكُرُ اللَّهِ فِي رَمَضَانَ مَغْفُورٌ لَهُ وَسَائِلُ اللَّهِ فِيهِ لَا يَخِبُّ.

187. Рамазон ойида Аллоҳни зикр қилувчининг гуноҳлари кечирилган ва Аллоҳдан сўрагувчини қуруқ қайтарилилмас.

188 - إِذَا أَفْطَرَ أَحَدُكُمْ فَلْيُفْطِرْ عَلَى تَمْرٍ فَإِنَّهُ بَرَكَةٌ فَإِنْ لَمْ يَجِدْ تَمْرًا فَلْيُفْطِرْ عَلَى الْمَاءِ فَإِنَّهُ طَهُورٌ.

188. Агар сизлардан бирингиз “оғиз очмоқ”чи бўлса хурмо ила очсин. Чунки у баракадир. Агар хурмо топа олмаса сув билан очсин, чунки у покловчиидир.

189 - أُمِرْتُ بِيَوْمِ الْأَضْحَى عِيدًا جَعَلَهُ اللَّهُ لِهَذِهِ الْأُمَّةِ.

189. Мен қурбонлик кунини ҳайит қилишга буюрилдим, Аллоҳ таоло уни бу уммат учун (хос) қилди.

190 - زَيَّنُوا الْعِيدَيْنِ بِالْتَّهْلِيلِ وَالْتَّكْبِيرِ وَالْتَّحْمِيدِ وَالْتَّقْدِيسِ.

190. Икки (Рамазон ва Қурбон) ҳайитини "Лаа илааха иллаллох", "Аллоҳу акбар", "Алҳамдулилах", айтиш ва У зотни улуғлаш билан зийнатланглар.

**191 – مَا عَلَى أَحَدٍ كُمْ إِنْ وَجَدَ سَعَةً أَنْ يَتَخَذَ ثَوْبَيْنِ لِيَوْمِ الْجُمُعَةِ سِوَى ثَوْبَيْنِ مَهْنَتِهِ.**

191. Агар сизлардан бирингизни имконияти кенгроқ бўлса, ишга киядиган кийимидан ташқари жума куни учун икки кийим қилиб қўйсин.

**192 – الصَّلَاةُ عِمَادُ الْإِيمَانِ وَالْجِهَادُ سَنَامُ الْعَمَلِ وَالزَّكَاةُ بَيْنَ ذَلِكَ.**

192. Намоз иймоннинг устунидир, жидду-жаҳд амалнинг ўркачиdir ишга киядиган кийимидан ташқари жума куни учун иккисиning орасидадир.

**193 – بَرَئَيِّ مِنَ الشُّحِّ مَنْ أَدَى الزَّكَاةَ وَقَرَى الضَّيْفَ وَأَعْطَى فِي النَّائِبَةِ.**

193. Ким закотини адo қилса, меҳмон кутса ва қийинчиликда ҳам берса баҳилликдан йирокдир.

**194 – إِذَا أَدَىتْ زَكَاةَ مَالِكٍ فَقَدْ أَذْهَبَتْ شَرَّهُ.**

194. Агар молингни закотини берсанг, ёмонлик этишини бартараф қилибсан.

195 – أَلَا أَدْلُكَ عَلَىٰ جِهَادٍ لَا شُوْكَةٌ فِيهِ حَجُّ الْبَيْتِ.

195. Тикони йўқ жидду жаҳдга сизни йўллаб қўяйми? У Байтуллоҳни ҳаж қилишдир.

196 – مَنْ حَجَّ لِلَّهِ فَلَمْ يَرْفُثْ وَلَمْ يَفْسُقْ رَجَعَ كَيْوْمٍ وَلَدَتْهُ أُمُّهُ.

196. Ким Аллоҳ учун ҳаж қилса, беадаб гаплар гапирмаса ва гуноҳ иш қилмаса, худди онаси түққан кундек гуноҳсиз қайтади.

197 – الْحَجُّ الْمَبُرُورُ لَيْسَ لَهُ جَزَاءٌ إِلَّا الْجَنَّةُ.

197. Мабур (гуноҳ содир этилмаган) ҳажнинг мукофати фақат жаннатdir.

198 – تَعَجَّلُوا إِلَى الْحَجَّ فَإِنَّ أَحَدُكُمْ لَا يَدْرِي مَا يَعْرِضُ لَهُ.

198. Ҳаж қилишга шошилинг. Чунки, сизларнинг бирингиз нима юз беришини билмайди.

199 - قُلْ: اللَّهُمَّ اغْفِرْ لِي وَارْحَمْنِي وَعَافِي وَارْزُقْنِي فِإِنَّ هُوَ لَأَكْبَرُ تَجْمَعُ لَكَ دُنْيَاكَ وَآخِرَتَكَ.

199. "Аллоҳим мени кечир, менга раҳм қил, мени оғиятда қил, менга ризқ бер", деб айт, чунки мана шу нарсалар сени дунё ва охиратингни жам қиласи.

200 - اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ الْهُدَى وَالثُّقَى وَالْعَفَافَ وَالْغِنَى.

200. Аллоҳим! Мен сендан ҳидоят (тўғри йўлга бошлишинг)ни, тақво (ўзингдан қўрқиб итоатда бўлишим)ни ва ифрат ва беҳожатликни сўрайман.